

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МИРСАИДОВ МИРАЗИЗ МИРХАМИДОВИЧ**

**ГИПЕРТРОФИК КАРДИОМИОПАТИЯНИ ТАШХИСЛАШ ВА  
ХИРУРГИК ДАВОЛАШНИ МУҚОБИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.34 – Юрак-қон томир хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)**

<b>Мирсаидов Миразиз Мирхамидович</b> Гипертрофик кардиомиопатияни ташхислаш ва хирургик даволашни муқобиллаштириш .....	3
<b>Мирсаидов Миразиз Мирхамидович</b> Оптимизация диагностики и хирургического лечения гипертрофической кардиомиопатии.....	19
<b>Mirsaidov Miraziz Mirkhamidovich</b> Optimization of diagnosis and surgical treatment hypertrophic cardiomyopathy .....	35
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	39

**АКАДЕМИК В. ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В. ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МИРСАИДОВ МИРАЗИЗ МИРХАМИДОВИЧ**

**ГИПЕРТРОФИК КАРДИОМИОПАТИЯНИ ТАШХИСЛАШ ВА  
ХИРУРГИК ДАВОЛАШНИ МУҚОБИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.34 – Юрак-қон томир хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.2.PhD/Tib260 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий хирургия тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) ва «ziyonet» ахборот-таълим портали ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Абралов Ҳакимжон Кабулжанович</b> тиббиёт фанлари доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Асамов Равшан Эркинович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Хикматов Азимжон Асатиллаевич</b> тиббиёт фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги</b> <b>“Н.И. Пирогов номидаги Миллий тиббиёт-хирургия</b> <b>маркази” Федерал давлат бюджет муассасаси</b>

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru), Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (88-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ф.Г.Назиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор,  
академик

**А.Х. Бабаджанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.В. Девятов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси муовини,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «гипертрофик кардиомиопатия (ГКМП) энг кўп тарқалган ирсий кардиомиопатия бўлиб, у иккиламчи сабабларсиз чап қоринча гипертрофияси билан намоён бўлади. Ушбу патология Европа ва Америка мамлакатларида 0,2-0,5% ҳолатларда учрайди (500 кишига 1 ҳолат), 20 ёшгача бўлган беморларда эса бирламчи кардиомиопатия частотаси йилига 100 минг аҳолига 1 тани ташкил этади<sup>1</sup>. «Касалликнинг фенотипик пайдо бўлиши турлича – симптомсиз кечишидан юрак етишмовчилигигача. Аҳамиятлиси шундаки, тўсатдан юрак ўлимида ГКМП ёшлар ва спортчилар ўртасида энг кўп учрайдиган сабаб бўлиб ҳисобланади ва 25 ёшгача бўлганлар орасида бу ҳолат 50% гача етади»<sup>2</sup>. Айнан болалар кардиологиясида ГКМПни даволаш натижалари ёмон кўрсаткичлар билан кечиб, ушбу патология аниқланган болаларнинг деярли 40% га юрак трансплантацияси ўтказилади ёки улар ташхис қўйилгандан кейин дастлабки 2 йил мобайнида вафот этишади. Бунда юрак трансплантацияси талаб этиладиган оғир юрак фаолияти декомпенсацияси ривожланмасдан уни эрта ташхислаш, амалга ошириш мумкин бўлган юрак чап қоринчаси чиқиш трактининг обструкцияси даражасини камайтиришга йўналтирилган бошқа жарроҳлик амалиётларини бажариш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, чап қоринча диастолик функциясини коррекциясида ушбу спектрдаги амалиётларнинг самарадорлиги ҳам ноаниқ бўлиб, у ушбу патологияни хирургик йўл билан даволашнинг техник жиҳатларини такомиллаштиришни талаб этади.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда ГКМП ривожланишининг патогенетик асосларини ўрганиш ва чап қоринча чиқиш тракти обструкцияси шаклланишининг ўзига хос механизмлари пайдо бўлишининг фенотипик хусусиятларини очиқ бериш энг долзарб тадқиқот бўлиб қолмоқда. Келажакда сезиларли ютуқларга умид берадиган, инсоннинг қўзғатилган плюрипотент ўзак хужайралари каби моделлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Систолик босим градиентини пасайтириш самарадорлигини яхшилаш, ГКМПли беморларни комплекс даволашда салбий оқибатлар олдини олиш, шунингдек, патологик жараённи барқарорлаштириш ва гипертрофияни регрессиялаш имкониятларини ўрганиш давом этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг замонавий босқичида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш бўйича кўплаб чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Ушбу йўналишда муайян ижобий натижаларга эришилди, хусусан, гипертрофик обструктив

<sup>1</sup> Steven E. Lipshultz, Yuk M. Law, Alfred Asante-Korang, Eric D. Austin, Anne I. Dipchand, Melanie D. Everitt, Daphne T. Hsu, Kimberly Y. Lin, Jack F. Price, James D. Wilkinson, Steven D. Colan, *Cardiomyopathy in Children: Classification and Diagnosis: A Scientific Statement From the American Heart Association.* // *Circulation.* 2019;140: e9–e68. doi: 10.1161/CIR.0000000000000682.

<sup>2</sup> Jeffrey B. Geske, Steve R. Ommen and Bernard J. Gersh. *Hypertrophic Cardiomyopathy. Clinical Update* // *JACC Heart Fail.* 2018; 6 (5):364-375. doi: 10.1016/j.jchf.2018.02.010.

кардиомиопатияни (ГОКМП) хирургик даволаш жорий этилди. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган»<sup>1</sup>. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, ГОКМПни ташхислаш ва хирургик даволаш, уни хирургик даволаш усулини модификациялаш орқали оптималлаштириш долзарб йўналишлардан бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сон «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори ва ушбу соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Perry M. Elliott<sup>2</sup>нинг фикрича, «ҳозирги даврда замонавий кардиожарроҳлик жамиятида, чап қоринча чиқиш тракти обструкциясини жарроҳлик ва эндоваскуляр йўл билан даволаш бўйича турлича фикрлар мавжуд. Бу эса ушбу муаммога бир хил бўлмаган муносабатни белгилайди ва бунда патологияни батафсил тавсифлайдиган касалликнинг бирламчи ташхисини такомиллаштириш, шунингдек, спортчилардаги физиологик гипертрофия билан фарқи ёки чап қоринча гипертрофиясига олиб борувчи бошқа патологик сабабларни илмий ўрганиш асосий йўналиш ҳисобланади. Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, ГКМПнинг чекланган шаклида ташхислашнинг мавжуд нурли усуллари самарадорлигини баҳолаш замонавий кардиожарроҳликни тадқиқ қилишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади, бу эса ушбу патологиянинг анатомик намоён бўлиши ва клиник кечиши хусусиятларини ташхислаш бўйича илмий изланишларни давом эттириш зарурлигини тақозо этади.

Замонавий кардиожарроҳликнинг бошқа муҳим жиҳати чап қоринча чиқиш тракти обструкциясини ҳисобга олиш ГКМПни хирургик даволашнинг

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎзР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

<sup>2</sup> Perry M. Elliott, Aris Anastasakis, Michael A. Borger, et al. 2014 ESC Guidelines on diagnosis and management of hypertrophic cardiomyopathy. The Task Force for the Diagnosis and Management of Hypertrophic Cardiomyopathy of the European Society of Cardiology (ESC) // European Heart Journal Advance Access published August 29, 2014; p. 1 – 55.

оптимал усулини танлашдан иборат. Ferrazzi P фикрича,<sup>1</sup> унинг ривожланишидаги асосий сабаблардан бири қоринчалар орасидаги тўсиқ гипертрофияси билан боғлиқ чиқиш трактининг динамик обструкцияси ҳисобланади. Кейинги сабаб, бу митрал клапаннинг систолик олд ҳаракати (Systolic anterior motion-SAM) ва митрал-қоринчалараро тўсиқ алоқаси ҳисобланади. Бунда, қон оқимига бўлган қаршилиқ митрал клапаннинг олд табақасига таъсир қилувчи асосий гидродинамик куч бўлиб ҳисобланади ва у ўз навбатида тўскинлик яратганлиги сабабли қоринчалараро тўсиққа ёпишади. Шунга кўра, муаллиф митрал клапанда хирургик аралашувни зарур, деб ҳисоблайди. Бироқ, “ГКМПда митрал клапан етишмовчилиги замонавий кардиожарроҳликнинг ҳал этилмаган муаммоси бўлиб қолмоқда, хирургик даволаш турли вариантларининг афзаллиги ва камчиликлари кўплаб тадқиқотларда мунозарали бўлиб қолмоқда”. Hong JH<sup>2</sup> фикрига кўра, ҳозирги вақтда операциянинг асосий мазмуни бўлиб, «агар митрал клапаннинг органик ўзгаришлари бўлмаса, фақат адекват миоэктомия бажарилади». Furukawa K<sup>3</sup> фикрича, «чап қоринча чиқиш трактининг юқори даражадаги обструкцияси мавжудлигида ва қоринчалараро тўсиқнинг ўртача ривожланган гипертрофиясида гипертрофик обструктив кардиомиопатияни митрал клапанни протезлаш билан даволаш» усули қўлланилиши мумкин. Амалиётдан кейинги узок муддатли даврда динамик кузатув натижаларининг камлиги, протезга боғлиқ асоратлар пайдо бўлиш частотасини баҳолаш ва операциядан кейинги даврда беморларнинг ҳаёт сифатини муҳофаза қилишга имкон бермайди.

Сўнги йиллардаги адабиётлар таҳлили гипертрофик обструктив кардиомиопатияда чап қоринча чиқиш трактида систолик босим градиенти ривожланиши асосида ҳар бир алоҳида аҳамиятга эга бўлган бир нечта патофизиологик механизмлар ётишини кўрсатди. Бунда ушбу тоифадаги беморларни хирургик даволаш натижалари яхшиланганлигига қарамай, янги ташхислаш усулларини излаш, шунингдек, уни хирургик даволаш усулларини ишлаб чиқиш асосий муаммо бўлиб қолмоқда.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режаларининг «Аорта кўтарилувчи қисми, аортал клапан ва чап қоринча чиқиш қисмида амалиётларни такомиллаштириш йўллари» мавзусидаги АДСС-3.6 амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2012-2014йй.).

<sup>1</sup> Ferrazzi P, Spirito P, Iacovoni A, et al. Transaortic chordal cutting: mitral valve repair for obstructive hypertrophic cardiomyopathy with mild septal hypertrophy. J Am Coll Cardiol 2015; 66:1687–96.

<sup>2</sup> Hong JH, Schaff HV, Nishimura RA, et al. Mitral regurgitation in patients with hypertrophic obstructive cardiomyopathy: implications for concomitant valve procedures. J Am Coll Cardiol 2016;68:1497–504.

<sup>3</sup> Furukawa K, Hayase T, Yano M. Mitral valve replacement and septal myectomy for hypertrophic obstructive cardiomyopathy. // Gen Thorac Cardiovasc Surg. 2014 Mar; 62(3): p.181-183.

**Тадқиқотнинг мақсади** гипертрофик обструктив кардиомиопатияли беморларни жарроҳлик билан даволаш натижаларини Morrow операциясининг техник жиҳатларини такомиллаштириш орқали яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

миоэктомиянинг жарроҳлик усулини такомиллаштириш;

ГОКМПни даволашда митрал клапан регургитациясининг турли даражаларида миоэктомиянинг аҳамиятини баҳолаш;

Ўзбекистондаги ихтисослаштирилган кардиохирургик марказдаги клиник тадқиқотларда ГКМП частотасини ўрганиш;

гипертрофик кардиомиопатияни эрта ташхислаш мақсадида мультислайс компьютер томография имкониятларини ўрганиш;

гипертрофик обструктив кардиомиопатияни хирургик даволашнинг яқин ва узоқ муддатдаги натижаларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази туғма юрак нуқсонлари хирургияси бўлимида 2002 йилдан 2019 йил апрелгача бўлган даврда гипертрофик кардиомиопатия билан даволанган 83 нафар бемор хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** Morrow усулини модификациялаш ва таклиф этилган амалиётдан сўнг ижобий гемодинамик ўзгаришларни баҳолаш орқали хирургик усулни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди: умумий клиник, инструментал (ультратовуш, ангиографик ва рентгенологик), мультислайс компьютер томография ва статистик тадқиқот усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда хирургик амалиётларнинг кардиохирургик спектри таркибида гипертрофик обструктив кардиомиопатиянинг учраш частотаси аниқланган;

гипертрофик обструктив кардиомиопатияда чап қоринча чиқиш тракти обструкцияси шаклланишининг анатомик-топографик хусусиятларини объектив баҳолашдаги МСКТ-мезонлари аниқланган;

гипертрофик обструктив кардиомиопатияни дифференциал тасдиқлаш учун энг патогномоник ангиокардиографик ва МСКТ белги бўлмиш чап қоринча анатомиясининг “қум соат” шаклида бўшлиқ шаклланиши билан ўзгариши исботланган;

гипертрофик обструктив кардиомиопатияда қоринчалараро тўсиқ қалинлашиши ва митрал етишмовчилиги даражаси ўртасидаги боғлиқлик аниқланган;

гипертрофик обструктив кардиомиопатия систолик босим градиентини пасайтириш ҳамда чап қоринчанинг диастолик вазифасини яхшилашга қаратилган хирургик даволаш усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:



МСКТнинг ташхислаш имкониятлари аниқланган, бу эса чап қоринча чиқиш тракти обструкциясининг вариантли анатомиясини батафсил ўрганиш ва олдиндан даволаш ҳажмини режалаштириш имконини берган;

гипертрофик обструктив кардиомиопатияни дифференциал ташхислашнинг ангиокардиографик мезонлари, шунингдек, чап қоринча чиқиш тракти обструкциясини даволашнинг мустақил варианты сифатида эндоваскуляр септал спиртли абляция ўтказиш имкони аниқланган;

гипертрофик обструктив кардиомиопатияни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш ва техникани соддалаштиришга имкон берувчи миоэктомияни амалга ошириш методологияси ишлаб чиқилган;

гипертрофик обструктив кардиомиопатия кечиши даражасини баҳоловчи клиник-инструментал мезонлар аниқланган, бу эса дори воситалари, эндоваскуляр ёки хирургик даволаш кўрсатмаларини аниқлаштиришга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги беморлар аҳолини баҳолашнинг объектив мезонлари, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари, статистик таҳлилнинг методологик ёндашув ва тўпламдан тўғри фойдаланиш билан асосланади. Тадқиқот етарли миқдордаги клиник материаллар асосида олиб борилди. Диссертацияда кўриб чиқилган муаммоларни ҳал қилиш усуллари ГКМПни ташхислаш ва хирургик даволашга замонавий илмий ва амалий тасаввур ҳамда ёндашувга асосланади. Кўриб чиқилган вазифалар замонавий ва синовдан ўтган тиббиёт статистикаси усуллари билан бажарилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулоса ва таклифлар ГОКМП кечишининг клиник-функционал хусусиятларини ўрганишга сезиларли ҳисса қўшади, шунингдек МСКТ маълумотлари бўйича ушбу патология ташхисининг мезонлари ўрганилган, бу эса чап қоринча чиқиш тракти обструкцияси вариант анатомиясини ва унинг даражасини аниқлаш, ўрганилаётган соҳанинг уч ўлчамли тасвирини яратиш ва хирургик амалиёт ҳажмини олдиндан белгилаш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, асосий хулоса ва тавсиялар ГКМП билан беморларни ташхислаш ва даволашда фойдаланилиши мумкин, чап қоринча чиқиш тракти обструкциясини бартараф этишда таклиф этилган хирургик усулни қўллаш эса систолик босим градиентини адекват ва ишончли пасайтириш ҳамда митрал етишмовчиликни бартараф этишни таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Гипертрофик обструктив кардиомиопатия билан беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Митрал етишмовчилик ҳамроҳлигида гипертрофик обструктив кардиомиопатияни жарроҳлик йўли билан даволаш усули»га интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№ IAP 05074, 14.08.2015 й.).

Таклиф этилган усул гипертрофик обструктив кардиомиопатияли беморларда амалиётдан кейинги систолик босим градиенти ва митрал клапанда регургитация даражасини пасайтиришга имкон берган;

«Гипертрофик обструктив кардиомиопатияни хирургик даволаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 8н-з/164-сон маълумотномаси). Такдим этилган тавсиялар гипертрофик кардиомиопатияли беморларни ташхислаш ва хирургик даволаш сифатини яхшилаш имконини берган;

гипертрофик обструктив кардиомиопатияни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси, Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 8н-з/164-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Гипертрофик обструктив кардиомиопатияни хирургик даволаш учун таклиф этилган усулни қўллаш хирургик даволашни оптималлаштириш ҳамда классик Mowtow усулидан фарқли равишда систолик босим градиенти ва митрал клапанда регургитация даражасини пасайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 6 та халқаро ва 4 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 4 та мақола, улардан 2таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Гипертрофик обструктив кардиомиопатияни ташхислаш ва жарроҳлик билан даволашнинг замонавий жиҳатлари”**, деб номланган биринчи боби ГКМПнинг клиник намоён бўлиши, ташхисини

ўрганиш бўйича замонавий адабиётлар таҳлиliga бағишланган. Ташхислашнинг бугунги кунда қўлланадиган мавжуд ва инновацион усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган. Жарроҳлик билан даволаш усуллари, тактик ёндашувлар, шунингдек, ГКМП жарроҳлигининг тарихий жиҳатлари тасвирланган. Замонавий кардиожарроҳликда митрал клапан билан боғлиқ долзарб муаммолар ва тактик дилеммалар гипертрофик обструктив кардиомиопатияда ечилмаган масала ва муаммоларга урғу бериб келтирилган. Боб материаллар таҳлилини умумлаштирувчи қичқача резюме билан яқунланган.

Тадқиқотнинг **“Клиник материаллар ва қўлланган тадқиқот усуллари**нинг тавсифи”, деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг клиник тавсифи бўйича, шунингдек, тадқиқот ўтказишда фойдаланилган диагностик усуллар ҳақида маълумотлар келтирилган. Клиник материал гипертрофик кардиомиопатияли 83 нафар беморни ташкил этди.

Академик В. Воҳидов номидаги РИХИАТМда 2002 йил январь ойидан 2019 йил апрелгача текширилган ва операция қилинган 83 нафар беморда ретроспектив таҳлил ўтказилди. Бунда Ўзбекистонда хирургик амалиётларнинг кардиохирургик спектри таркибида, 4 йил ичида кардиомиопатиянинг ўртача сони 0,25%ни ташкил этди.

ГКМПли беморларни даволаш, АССФ/АНА 2011 йилдаги тавсиялари бўйича, барча беморлар дори воситалари ёрдамида даволанган. Барча беморлар β-блокатор синфидаги дори воситалари ва дилтиаземни алоҳида ёки уларни биргаликда қабул қилишган.

Трансаортал септал миоэктомия 65 нафар беморда, спиртли септал абляция 4 та беморда амалга оширилди, қолган 14 беморда ҳолати яхшилангани ва симптомлар йўқолгани аниқланди, шунинг учун улар дори воситалари билан даволаниш гуруҳида қолишди.

65 нафар бемор операция қилинди. Операция қилинган беморлар икки гуруҳга бўлинди. I гуруҳга Могов классик усули бўйича миоэктомия ўтказилган 16 нафар бемор, II гуруҳга туғма юрак нуқсонлари жарроҳлиги бўлимида таклиф этилган усул бўйича миоэктомия ўтказилган 49 та бемор киритилди. I назорат гуруҳ ва II миоэктомия гуруҳида ўртача ёш асл усул бўйича ишончли фаркланмаган ва ( $M \pm SD$  ёки  $M \pm Q1:Q3$ )  $17 \pm 13,5$  ва  $19 \pm 14$  ёшни мос равишда ташкил этди ( $p=0,819$ ). Биринчи гуруҳда аёллар 6 та (37,5%), 10 та эркак бўлса (62,5%), иккинчи гуруҳда 29 (59,2%) ва 20 (40,8%) нафарни мос равишда ташкил этди ( $p=0,110$ ).

Антропометрик маълумотларни, клиник ва лабораториявий таҳлил натижаларини таҳлил қилиб ва беморларнинг дастлабки оғирлик даражасини ўрганиб шундай хулоса қилиш мумкинки, тадқиқ қилинаётган гуруҳларда аксарият беморларда катта фарқ аниқланмади.

Диссертациянинг “Гипертрофик кардиомиопатия ташхиси ва аорта орқали миоэктомия жарроҳлик тактикаси” деб номланувчи учинчи бобида барча 83 нафар беморнинг эхокардиографик баҳолаш маълумотлари келтирилган. Юрак бўшлиқларининг чизиқли ва ҳажмли кўрсаткичлари

аникланиб, уларни рақамларда ифодаладик ва Feigenbaum Н бўйича уларга градация ўзлаштирдик.

Таҳлил қилинган материалда беморлар ёши, оғирлиги ва бўйи бўйича кўрсаткичларнинг ҳар хиллиги кузатилди, шу сабаб маълумотлар объективлиги учун эхокардиографик кўрсаткичлар тана сатҳи юзасига таққосланди, бу эса ЭхоКГнинг индексланган кўрсаткичларини янада ишончли баҳолашга имкон берди. ЭхоКГнинг индексланган ҳажмли-чизикли кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

### 1-жадвал

#### Индексланган эхокардиографик кўрсаткичлари

Кўрсаткич	I гуруҳ (Morrow усули; n=16)	II гуруҳ (оригинал усул; n=49)	p Value
ЧҚ ТДЎ И <sub>(см/м<sup>2</sup>)</sub>	2,72±1,13	2,72±0,86	p=0,725
ЧҚ ТСЎ И <sub>(см/м<sup>2</sup>)</sub>	1,45±0,58	1,64±0,71	p=0,420
ЧҚ ТДХ И <sub>(мл/м<sup>2</sup>)</sub>	43,5±20,7	48±21,1	p=0,150
ЧҚ ТСХ И <sub>(мл/м<sup>2</sup>)</sub>	9,24±8,42	12,7±11,7	p=0,020
ЧҚЧХ И <sub>(мл/м<sup>2</sup>)</sub>	35±12,1	38,7±12,3	p=0,300
ЧҚ ЧФ (%)	77,6±8,53	72±8,47	p=0,025
ҚАТ И <sub>(см/м<sup>2</sup>)</sub>	1,63±1,22	1,21±0,97	p=0,045
ЧҚОД И <sub>(см/м<sup>2</sup>)</sub>	1±0,51	0,99±0,49	p=0,807
ММИ (гp/м2)	251,1±183,2	241,4±150,4	p=0,122

Изоҳ: ЧҚ ТДЎ – чап қоринчанинг туб диастолик ўлчами, ЧҚ ТСЎ – чап қоринчанинг туб систолик ўлчами, ЧҚ ТДХ – чап қоринчанинг туб диастолик ҳажми, ЧҚ ТСХ – чап қоринчанинг туб систолик ҳажми, ЧҚ ЧФ – чап қоринча чиқариш фракцияси, ЧҚОД – чап қоринча орқа девори, ҚАТ – қоринчалараротўсик, ЧҚЧТ – чап қоринча чиқариш тракти, ЧҚЧХ – чап қоринча чиқариш ҳажми. ММИ-миокард массаси индекси.


Патология таркибий қисмларининг оғирлик даражасига қараб, юракнинг зарурий тузилмалари ва юракнинг функционал параметрларини 49 нафар беморда АКГ ва 21 тасида мультислайс спирал компьютер томографияси (МСКТ) орқали текширилди. 49 та беморда ангиокардиографик текширув ўтказилди: 12 (75%) таси биринчи гуруҳдан ва 37 (75,5%) нафари иккинчи гуруҳдан. Уларда чап қоринча чиқиш трактида (ЧҚЧТ) систолик босим градиенти аниқланди. ЧҚЧТ вариант анатомиясини ўрганиш учун биринчи гуруҳдан 1та (6,25 %) беморда, иккинчи гуруҳда 20 та (40,8 %) беморда МСКТ имкониятларидан фойдаланилди.

Шунингдек, чап қоринча чиқиш трактида “қумсоат” шаклида характерли ангиографик ва МСКТ манзара мавжудлиги кузатилди.

Асл усул таклиф этилди (IAP 05074-рақамли патент, 14.08.2015). Классик ва асл усулларнинг техник босқичлари қиёсий жиҳатлари 1-3А ва 1-3Б расмларда мос равишда келтирилган.


Morrow усули бўйича классик миоэктомия ва таклиф этилган усул бўйича миоэктомия ўтказилган операциядан кейинги расмларни келтирамиз (4-расм).

## Классик усул




**1А-расм.** Аортотомия. Қоринчалараро тўсикни (ҚАТ) секторли тўғрибурчак кесишнинг чегараси нуқтали чизик билан ифодаланган.


## Оригинал усул




**1Б-расм.** Аортотомия. Қоринчалараро тўсикни (ҚАТ) секторли трапеция шаклида кесишнинг чегараси нуқтали чизик билан ифодаланган.




**2А-расм.** 10 мм кенгликда тўғрибурчак шаклда тарнов ҳосил қилиш билан секторли кесиш.





**2Б-расм.** Трапециясимон шаклда тарнов ҳосил қилиш билан секторли кесиш.




**3А-расм.** Тўғрибурчак шаклда шаклантирилган тарнов.



**3Б-расм.** Чап қоринча чиқиш тракти атрофи бўйича, шаклантирилган тарнов чегарасидан ташқарида, юрак асосидан унинг чўкқисига томон йўналтирилган, 3-5 мм қадамли қўшимча радиар кесимлар амалга оширилади.




**4-расм. Интраоперацион фото. Трансаортал кесим: А - Morrow усули бўйича классик миоэктомия. Б – таклиф этилган усул бўйича миоэктомия**



**5-расм. Операциядан олдин ва кейинги даврда юракнинг ўртача эхокардиографик ҳажмли-чизиқли параметрларининг қийсий динамикаси**

Тадқиқотнинг “**Гипертрофик обструктив кардиомиопатияни жарроҳлик билан даволашнинг бевосита натижалари**”, деб номланувчи тўртинчи бобида биринчи назорат гуруҳидаги 1 та (6,25%) ва иккинчи гуруҳдаги 3 нафар (6,12%) беморда кузатилган касалхонада ўлим кўрсаткичлари келтирилган ( $p=0,687$ ). Шунингдек, беморларнинг жонлантириш бўлимида бўлганлиги ҳақида ҳам маълумотлар акс эттирилган бўлиб, унга кўра биринчи гуруҳ беморлари учун 1 кундан 3 кунгача ўртача  $1,5 \pm 1,5$  ва иккинчи гуруҳда 1 кундан 8 кунгача ўртача  $1,0 \pm 1,0$ ни ташкил этди ва ишончли фарқ қилмади ( $p=0,609$ ). Сунъий нафас олиш давомийлиги биринчи назорат гуруҳда 205дан 1185 дақиқагача ўзгариб турди ва ўртача  $532,5 \pm 635$  ҳамда иккинчи гуруҳда 160 дан 3745 дақиқагача ўртача  $585 \pm 597,5$ ни ташкил этди ( $p=0,411$ ). Сунъий қон айлантериш давомийлиги биринчи гуруҳда 38дан 179 дақиқагача ўзгариб турди ва ўртача  $59,5 \pm 28$

дақиқани ташкил этди ҳамда иккинчи гуруҳда 18 дан 275 дақиқагача ўзгариб, ўртача  $48 \pm 26,5$  дақиқани ташкил этди ( $p=0,033$ ). Кардиоплегия давомийлиги биринчи гуруҳда 19 дан 85 дақиқагача ўзгариб турди ва ўртача  $33,5 \pm 22,5$  ни ташкил этди ҳамда иккинчи гуруҳда 11 дан 177 дақиқагача ўзгариб туриб, ўртача  $29,5 \pm 22,5$  дақиқани ташкил этди ( $p=0,298$ ). Операциядан сўнг гуруҳ ичида ва гуруҳлар ўртасида чап қоринчани қайта моделлаш таҳлил қилинди. ЧҚ қайта моделланишининг бошланғич босқичини таҳлил қилишда 1- гуруҳ беморларида (Morrow классик усули бўйича миоэктомия ўтказилган беморлар) ЧҚЧТда босим градиентининг  $95,5 \pm 67$  мм сим. уст. дан  $51,5 \pm 39,2$  мм сим. уст. гача сезиларли пасайиши кузатилди ( $p = 0,003$ ). Худди I гуруҳга ўхшаб ЭхоКГ динамика параметрлари II гуруҳда (таклиф этилган асл усул бўйича миоэктомия қилинган беморлар) чап қоринча чиқиш трактида босим градиентининг статистик жиҳатдан сезиларли  $88 \pm 44$  мм сим. уст. дан  $27,7 \pm 19,8$  мм сим. уст. га пасайганини ( $p < 0,001$ ) қамраб олади. Иккала гуруҳда ҳам операциядан олдин ва кейин митрал етишмовчилик даражаси таҳлил қилинди, бунда биринчи назорат гуруҳда ишончли ( $p=0,031$ ) ва иккинчи гуруҳда юқори даражада ишончли ( $p < 0,001$ ) митрал етишмовчилик даражаси камайгани тасдиқланди (б-расм.).



**б-расм. А. Morrow бўйича классик миоэктомия 1-гуруҳда операциягача ва операциядан кейинги даврда МР қиёсий динамикаси ( $p=0,031$ ).**

**Б. 2-гуруҳда таклиф этилган усул бўйича операциягача ва операциядан кейинги МР қиёсий динамикаси ( $p < 0,001$ ).**

Шунингдек, иккала гуруҳда ҳам ҚАТнинг статистик жиҳатдан сезиларли қалинлиги камайиши кузатилди ( $p = 0,026$ ) ва бу унинг резекцияси билан боғлиқ. Бунда чам қоринча орқа девори (ЧҚОД) ишончли ўзгармади ( $p = 0,398$ ). Гуруҳлар ўртасида қоринчаларо тўсиқ қалинлигидаги ишончли фарқни ҳисобга олиб, биз, митрал етишмовчилик даражасини қоринчаларо тўсиқ қалинлиги билан боғлиқлигини таҳлил қилдик ва ишончли ( $p < 0,05$ ) ўртача даражадаги  $r=0.45$  боғлиқликни аниқладик.

Биринчи гуруҳдаги 1 (6,25 %) та бемор ва иккинчи гуруҳдаги 4 та бемор (8,1%) ларга операциядан кейинги даврда тўлиқ атриовентрикуляр блокада (АВ) блокада ривожланганлиги сабабли доимий кардиостимулятор ўрнатилди. Ушбу иккинчи гуруҳдаги беморлардан бирида операциядан олдинги даврда Гисс тутами ўнг оёқчаси тўлиқ блокадаси бўлган. Гисс тутами чап оёқчаси тўлиқ блокадасининг пайдо бўлиши миоэктомияда кўп учрайди ва шу сабабли уни асоратлар каторига киритмаслик ҳам мумкин.

Турли гуруҳлардаги беморлар ўртасида операциядан кейинги даврдаги статистик фарқни аниқлаш учун таҳлил ўтказилди. Унда Morrow классик усулидан фарқли равишда систолик босим градиентининг статистик жиҳатдан ишончли, янада пасайганини кўрсатди. 2-жадвал.

## 2-жадвал

### Эхокардиографик параметрлар бўйича беморларни гуруҳлараро қиёслаш

Кўрсаткич	I гуруҳнинг Morrow классик усул бўйича миоэктомия қилинган беморлар (n=15) операциядан кейин.	II гуруҳнинг таклиф этилган асл усул бўйича миоэктомия қилинган беморлар (n = 46) операциядан кейин.	p Value
ЧҚ ТДЎ, см	3,60 ± 0,2	4,18 ± 1,5	p=0,683
ЧҚ ТСЎ, см	2,03 ± 0,42	1,9 ± 0,26	p=0,838
ЧҚ ТДХ, мл	57 ± 38	70 ± 37,1	p=0,645
ЧҚ ТСХ, мл	18 ± 16	21,5 ± 16,5	p=0,461
ЧҚЧХ, мл	44,8 ± 12,5	52,1 ± 18,9	p=0,175
ЧҚ ЧФ, %	70,7 ± 7,94	68,2 ± 8,08	p=0,302
ЧҚОД, мм	1,39 ± 0,23	1,30 ± 0,51	p=0,769
ҚАТ, мм	2,15 ± 1,4	1,9 ± 0,74	p=0,187
ЧҚЧТдаги СБГ, мм рт.ст.	51,5 ± 39,2	27,7 ± 19,8	p=0,008
<b>Митрал етишмовчилиги</b>			
Регургитация йўқлиги	10 (66,6 %)	35 (76 %)	p=0,596
сезилмас	4 (26,6 %)	7 (15,2 %)	p=0,596
ўртача	1 (6,6 %)	4 (8,7 %)	p=0,596
оғир	0	0	-


Изоҳ: ЧҚ ТДЎ – чап қоринчанинг туб диастолик ўлчами, ЧҚ ТСЎ – чап қоринчанинг туб систолик ўлчами, ЧҚ ТДХ – чап қоринчанинг туб диастолик ҳажми, ЧҚ ТСХ – чап қоринчанинг туб систолик ҳажми, ЧҚ ЧФ – чап қоринча чиқариш фракцияси, ЧҚОД – чап қоринча орқа девори, ҚАТ – қоринчалараротўсик, ЧҚЧТ – чап қоринча чиқариш тракти, ЧҚЧХ – чап қоринча чиқариш ҳажми. СБГ-систолик босим градиенти.

Диссертациянинг “**Гипертрофик обструктив кардиомиопатияни жарроҳлик билан даволашнинг узок муддатли натижаларини баҳолаш**”, деб номланган бешинчи бобида узок муддатли даврда жарроҳлик билан даволаш натижалари бўйича маълумот келтирилган. Узок муддатли натижалар 37 нафар беморда ўрганилди (60,6 %), улардан 10 нафар бемор Morrow классик усули бўйича миоэктомия ўтказилган биринчи гуруҳга ва 27таси таклиф этилган асл усул бўйича миоэктомия ўтказилган 2 гуруҳга тегишли.




Кузатув давр ўртача  $6,49 \pm 3,77$  йилни (0,86 дан 15,5 йилгача) ташкил этди. Кузатув вақтида (81,8%) беморлар симптомсиз ёки минимал симптомли бўлиб қолишди. Чап қоринча чиқиш трактининг босим градиенти операциядан олдинги кўрсаткичларга нисбатан  $99,1 \pm 48,1$  мм рт.ст. дан  $39,3 \pm 31,0$  мм рт.ст. гача сезиларли пасайди ( $p = 0,004$ ).

Кутилган икки йилга яшаш давомийлиги классик усулда 90 фоиздан таклиф этилган усулда 98 фоизгача ишончли ошди ( $p < 0,05$ ) (7-расм). Барча беморлар ҳозирги вақтгача қайта операциядан озод бўлган (8-расм).



**7-расм. Каплан-Майер графикасида 15 йил яшаш таҳлили: Моргов бўйича классик миозэктомия таҳлили нуқтали чизик билан белгиланган. Оригинал усул бўйича таҳлили текис чизик билан кўрсатилган. 2 йил яшаш чегараси вертикал нуқтали чизик**



**8-расм. Каплан-Майер графикасида қайта операциядан 5 ва 10 йилга озод бўлиш:**

**Қайта операциядан 5 йилга озод бўлиш чегараси– нуқтали чизик**  
**Қайта операциядан 10 йилга озод бўлиш чегараси – нуқта чизикли йўл**

Хулоса қилиб айтсак, амалиётдан кейинги асосий жиддий асорат бу тўлиқ АВ блокадаси бўлган, унинг тарқалиш даражаси унчалик фарқ қилмаган. Иккала гуруҳда ҳам ЧҚЧТ босим градиенти сизиларли пасайишига эришилди. ЧҚЧТ систолик босим градиенти иккинчи гуруҳ беморларида сизиларли даражада паст эди. Кутилган икки йилга яшаш давомийлиги классик усулда 90 фоиздан таклиф этилган усулда 98 фоизгача ишончли ошди ( $p < 0,05$ ). Барча беморлар ҳозирги вақтгача қайта операциядан озод бўлган.

## ХУЛОСА

1. Таклиф этилган усул 91,8% яхши яқин натижалар олиш ва Morrow классик усулидан фарқли систолик босим градиентининг статистик жиҳатдан ишончли яққол пасайишига имкон берди (мос равишда,  $27,7 \pm 19,8$  ва  $51,5 \pm 39,2$  мм.сим.уст.;  $p = 0,008$ ).

2. Гипертрофик обструктив кардиомиопатия билан беморларда митрал етишмовчилиги ва қоринча орасидаги тўсиқ қалинлиги ўртасида ўртача  $r = 0.45$  ишончли  $p < 0.05$  боғлиқлик мавжуд, яъни қоринчалараро тўсиқ қалинлигини миоэктомия йули билан камайтириш митрал клапан етишмовчилигини камайтиради ёки умуман йўқотади.

3. Гипертрофик обструктив кардиомиопатияни ташхислашда мультислайс компьютер томография чап қоринча чиқиш тракти обструкциясининг вариант анатомияси ва унинг оғирлик даражасини белгилаш, ўрганилаётган зонанинг 3 ўлчамли тасвирини яратиш ва мос равишда режалаштирилаётган хирургик амалиёт ҳажмини олдиндан белгилаш имконини беради.

4. Гипертрофик кардиомиопатиянинг учраш частотаси йилига Ўзбекистон кардиожарроҳлик маркази беморлари сонига нисбатан 0,25% ни ташкил этди.

5. Таклиф этилган усул қоринча диастолик дисфункциясини камайтириб, чап қоринчанинг туб диастолик ҳажмини оширади, бу эса диастолик дисфункция натижасида келиб чиқадиган тўсатдан ўлимнинг олдини олади. Кутилган икки йиллик яшаш таклиф этилган оригинал усулда 98%, классик усулда 90% ни ташкил этди ( $p < 0,05$ ).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 ПРИ  
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ ИМЕНИ  
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА И ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ  
АКАДЕМИИ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ХИРУРГИИ ИМЕНИ  
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА**

**МИРСАИДОВ МИРАЗИЗМИРХАМИДОВИЧ**

**ОПТИМИЗАЦИЯ ДИАГНОСТИКИ И ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ  
ГИПЕРТРОФИЧЕСКОЙ КАРДИОМИОПАТИИ**

**14.00.34 – Сердечно-сосудистая хирургия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ - 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.2.PhD/Tib260.**

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Абралов Хакимжон Кабулджанович**  
доктор медицинских наук

**Официальные оппоненты:** **Асамов Равшан Эркинович**  
доктор медицинских наук, профессор  
**Хикматов Азимжон Асатиллаевич**  
доктор медицинских наук

**Ведущая организация:** **Федеральное Государственное Бюджетное Учреждение «Национальный медико-хирургический Центр имени Н.И. Пирогова» Министерства Здравоохранения Российской Федерации.**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова и Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru), Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии имени академика В.Вахидова).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за №88). Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_ от \_\_\_\_\_ 2019 года).

**Ф.Г. Назиров**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, профессор,  
академик

**А.Х. Бабаджанов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор медицинских наук

**А.В. Девятов**  
Председатель научного семинара при научном совете по  
присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным Всемирной организации здравоохранения «гипертрофическая кардиомиопатия (ГКМП), является наиболее распространенной наследственной кардиомиопатией, проявляющейся гипертрофией левого желудочка при отсутствии вторичной причины. Эта патология встречается в 0,2 - 0,5% случаях в странах Европы и Америки (1 случай на 500 человек), а частота первичной кардиомиопатии у пациентов до 20 лет составляет 1 случай на 100 000 населения в год»<sup>1</sup>. «Фенотипические проявления заболевания разнообразны, от бессимптомного течения до сердечной недостаточности, при этом в структуре внезапной сердечной смерти ГКМП остается наиболее частой причиной среди молодых людей и спортсменов, достигая 50% случаев среди лиц моложе 25 лет»<sup>2</sup>. Именно для детской кардиологии лечение ГКМП сопряжено с худшими прогнозами, так как почти 40% детей с этой патологией переносят трансплантацию сердца или умирают в течение первых 2 лет после постановки диагноза. На этом фоне наиболее актуальной задачей является своевременное выявление диагноза, когда еще не наступила тяжелая декомпенсация сердечной деятельности и не требуется пересадка сердца, а возможно выполнение других хирургических вмешательств, направленных на снижение степени обструкции выходного тракта левого желудочка. Следует отметить, что эффективность этого спектра операций в отношении коррекции диастолической функции левого желудочка также неоднозначна, что обуславливает необходимость совершенствования технических аспектов хирургического лечения этой патологии.

В мировой практике в настоящее время наиболее актуальными исследованиями продолжает оставаться изучение патогенетических предпосылок развития ГКМП и раскрытие фенотипических особенностей проявления специфических механизмов формирования обструкции выходного тракта левого желудочка. Особое внимание уделяется использованию таких моделей, как человеческие индуцированные плюрипотентные стволовые клетки, которые дают надежду на значительные прорывы в будущем. Продолжаются исследования, направленные на улучшение эффективности снижения градиента систолического давления, профилактику неблагоприятных исходов комплексного лечения пациентов с ГКМП, а также на изучение возможности стабилизации патологического процесса и регресс гипертрофии.

На современном этапе развития отечественного здравоохранения проводится множество мер по коренному улучшению качества оказываемой

---

<sup>1</sup>Steven E. Lipshultz, Yuk M. Law, Alfred Asante-Korang, Eric D. Austin, Anne I. Dipchand, Melanie D. Everitt, Daphne T. Hsu, Kimberly Y. Lin, Jack F. Price, James D. Wilkinson, Steven D. Colan, *Cardiomyopathy in Children: Classification and Diagnosis: A Scientific Statement From the American Heart Association.* // *Circulation.* 2019;140: e9–e68. doi: 10.1161/CIR.0000000000000682.

<sup>2</sup>Jeffrey B. Geske, Steve R. Ommen and Bernard J. Gersh. *Hypertrophic Cardiomyopathy. Clinical Update // JACC Heart Fail.* 2018; 6 (5):364-375. doi: 10.1016/j.jchf.2018.02.010.

населению медицинской помощи. В этом направлении уже достигнуты определенные положительные результаты, в частности, внедрено хирургическое лечение гипертрофической обструктивной кардиомиопатии (ГОКМП). «В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годы поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности»<sup>3</sup>. Реализация данных задач, в том числе оптимизация диагностики и хирургического лечения гипертрофической обструктивной кардиомиопатии, путём модификации метода ее хирургического лечения, является одним из актуальных направлений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за №ПП-3071 от 20 июня 2017 года, Постановлением Кабинета Министров за №266 от 10 мая 2017 года «Об организации деятельности научно-исследовательского института общественного здоровья и организации здравоохранения», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

